O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
8 апрель
ШАНБА

№ 28
(11.831)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

*Ватан ҳимояси – муқаддас бурч*



**Айни кунларда мамлакатимиздаги мудофаа ишлари бошқармалари чақирув-йиғин пунктларида тиббий кўрик ва синовлардан муваффақиятли ўтган йигитлар Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 3 мартда эълон қилинган "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатилмоқда.**

## ЙИГИТЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув-йиғин пунктида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маросимда вилоят ҳокимининг ўринбосари Наримон Ҳайитқулов, мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Зоҳид Аҳмадхўжаев, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурори адлия майори Бахтиёр Мирмаҳмудов, Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари "Тошкент" тезкор гуруҳи бошлиғи ўринбосари, подполковник Раҳматилла Қурбонов ва бошқалар пойтахт ва вилоятдан Чегара қўшинлари сафида хизмат қилиш учун жўнаб кетаётган навбатдаги бир гуруҳ чақирилувчиларга ҳарбий хизматни аъло даражада ўташда муваффақиятлар тиладилар.

– Халқи ва Ватанини ҳимоя қилиш йигит учун муқаддас бурч, – деди зангиоталик чақирилувчи Мансур Ғуломов. – Синовлардан муваффақиятли ўтиб, йигитлик бурчимни Миллий хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларида ўташга кетаётганимдан хурсандман.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *кузатув маросимидан лавҳалар.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**



*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

## Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида белгиланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ваколат муддати 2006 йил май-июнь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари 2006 йил май- июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси (бундан буён матнда Кенгаш комиссияси деб юритилади) таркиби ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар таркибига "Маҳалла" жамғармаси, "Нуроний" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси ва "Камолот" ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлинмалари вакилларини киритиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларга фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун тузилган ишчи гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасида фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайловолди тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишнинг бориши ва ўтказилишини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девони Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқишларини ташкил этсин.

6. Кенгаш комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ахборотни умумлаштирсин ва 2006 йил 15 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига ахборот берсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **И. СОБИРОВ.**

Тошкент шаҳри, 2006 йил 4 апрель.

## ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР

**Қарийб бир йилдирки, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистонда Осиё тараққиёт банкининг шўрланган, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган ерларни қайта тиклаш ва унумдорлигини оширишга йўналтирилган лойиҳаси татбиқ этилаётир.**

Ушбу дастур доирасида Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти (IWMI), Биологик усулда тупроқ шўрланишига қарши кураш халқаро маркази (ICBA), ИКАРДА ҳамда мазкур давлатларнинг тегишли вазирлик, ташкилот ва илмий муассасалари мутахассислари иштирокида кенг кўламда иш олиб борилаётир.

Пойтахтимизда ушбу лойиҳа доирасида бажарилаётган ишлар натижаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Осиё тараққиёт банки, халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз ва қозоғистонлик олимлар, мутахассислар ҳамда фермерлар иштирок этди.

Мамлакатимизда шўрланган ерларни қайта тиклаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга оид илғор тажрибани оммалаштириш, деҳқончиликда замонавий технологияларни қўллаш, илм-фан ютуқларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Куни кеча халқаро экспертлардан иборат катта гуруҳ тажриба далаларини кўздан кечириб, бу усулни ижобий баҳолади.

Анжуманда маҳаллий ва хорижий экспертлар мамлакатимизда лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар, орттирилган илғор тажриба билан танишдилар. Эришилган ютуқлар таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Қурғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалик илмий тадқиқотлари халқаро маркази (ИКАРДА)нинг Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари учун минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуман давом этмоқда.**

## ИКАРДА ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛДА

Унда юртимиз олимлари, мутахассислари билан бирга Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистондан ҳам вакиллар иштирок этмоқда.

Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари, жумладан, юртимизда йиллик ёғин миқдори нисбатан кам, бу эса қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда суғорма деҳқончиликка кенг эътибор беришни талаб этади. Бундай шароитда минтақамиз мамлакатлари қишлоқ хўжалигида лалмикор ерлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ИКАРДА билан ҳамкорликда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби қатор йирик молия муассасаларининг маблағлари жалб этилган ҳолда пахта, ғалла ва бошқа озуқа экинлар уруғчилиги, чорвачилик, тупроқ унумдорлигини ошириш каби йўналишларда узоқ муддатли илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, юртимизда ғалла, дуккакли, мойли ва емхашак экинлари уруғчилигини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳа амалга ошириляпти. Дастур доирасида илмий-тадқиқот институтларига ҳар йили тўрт мингдан ортиқ ғалла ва дуккакли ўсимликларнинг нав намунаси берилмоқда. Натижада ғалла ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, буғдой ва арпанинг ҳосилдор, суғориладиган ва лалмикор ерларда етиштириладиган истиқболли навларини яратиш, янги технологияларни жорий этишда сезиларли ютуқларга эришиляпти.

Анжуман қатнашчилари Тошкент давлат аграр университети, ғўза уруғчилиги ва селекцияси, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг ген банки билан ҳам танишдилар.

**О. НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ТИЖОРИЙ АРБИТРАЖ ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМКОРЛИГИ

**Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси катта вице-президенти Борис Пастухов раҳбарлигидаги ишбилармон доира вакилларидан иборат делегациянинг юртимизга ташрифи доирасида пойтахтимизда икки мамлакат тадбиркорларининг ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган учрашувлари якунланди.**

Тижорий арбитраж соҳасида ҳамкорликка бағишланган давра суҳбатида халқаро тижорий арбитражнинг асосий қирралари ва унинг халқаро савдо ва сармоялар ҳаракатидаги ўрни, халқаро тижорий арбитражда баҳсларни ҳал этишнинг долзарб масалалари муҳокама этилди. Россиялик меҳмонлар мамлакатимизда тижорий арбитражни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди.

Учрашувда Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган фаол сиёсат олиб борилаётгани алоҳида таъкидланди. Тижорий арбитражнинг ташкил этилиши ҳам мазкур йўналишдаги муҳим вазифалардандир. Ҳозир мамлакатимиз парламенти палаталарида ҳакамлик судлари тўғрисида ҳамда халқаро тижорий арбитраж тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорий арбитраж арбитри Нина Вилкова ҳамда Савдо-саноат палатасининг ҳуқуқий департаменти катта эксперти Михаил Савранскийнинг Россиядаги тижорий ҳакамлик судлари тизимига оид маърузалари тингланди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш кунини байрамона нишонлаш юртимизда яхши анъанага айланган. Бу йил ҳам у «Соғлиқни сақлаш — барчамизнинг вазифамиз» шиори остида ўтди. Шу муносабат билан Тошкентда брифинг ташкил этилди.***

## ПОЙТАХТДАГИ БРИФИНГ

Унда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саломатлик институти, унинг вилоят филиали ходимлари иштирок этишди.

2006 йил Ўзбекистонда Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинганлиги соғлиқни сақлаш чинакамига бутун жамият аъзоларининг вазифасига айланиши учун муҳим омил бўлмоқда. Бугун юртимизда 13,8 мингга яқин олий, 22,3 мингга яқин биринчи, 2080 иккинчи тоифали шифокорлар эл соғлиғини яхшилаш йўлида хизмат қилишмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар тиббий хизмат маданиятини кўтариб, унинг савиясини оширишга хизмат қилаётир.

**Фарида КОМИЛОВА.**

## ОНАЛАР ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

**Пойтахтимизда оналар саломатлигини асраш борасида амалга оширилаётган дастурлар ижросига бағишланган минтақавий анжуман бўлиб ўтди.**

БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари, Ўзбекистон, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Таъкидланганидек, БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш дастури доирасида дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳаётга татбиқ этилаётган муҳим лойиҳалардан бири оналар ўлимини камайтириш ва уларнинг саломатлигини муҳофазалашга йўналтирилган. ЮНФПА бу борадаги ишларга муносиб улуш қўшиш мақсадида тўқсонга яқин мамлакатда оналар саломатлигини мустаҳкамлаш ва репродуктив саломатликни яхшилашга йўналтирилган дастур бўйича иш олиб бораётир.

Уч кун давом этган минтақавий анжуманда Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида ушбу йўналишда эришилаётган ютуқлар ва галдаги вазифалар атрофлича таҳлил этилди. Аёллар саломатлигини асраш борасида тиббиёт соҳасидаги ижобий тажриба ва илм-фан янгиликлари оммалаштирилиб, 2015 йилгача амалга ошириладиган ишлар стретегияси ишлаб чиқилди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига*

## САРКАРДАДАН ҚОЛГАН МЕРОС

**Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ва музей ташкил топганлигининг 10 йиллиги муносабати билан «10 йилга 10 та кўргазма» рукни остида бир қатор кўргазмалар яратилди. Уларнинг ҳар бири алоҳида мазмунга эга бўлиб, Ўзбекистон тарихининг маълум бир саҳифаларини бойитишга хизмат қилади. Жумладан, «Амир Темур ҳаётидан лавҳалар» номли кўргазма соҳибқирон фаолияти ва 1941 йилда Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасида олиб борилган тадқиқотлар ҳақида ҳикоя қилади.**



Кўргазмадан республиканинг таниқли рассомлари яратган «Машқда», «Ов», «Олимлар даврасида» каби рангли расмлар ўрин олган.

Навбатдаги расмларда эса, Амир Темурнинг мустақиллик йўлида кўрсатган жасоратлари (масалан, «Амир Темурнинг Тўхтамиш билан жанги») ва ободончилик ишлари, унинг ташаббуси билан қурилган ва ҳозир ҳам барча санъат ихлосмандлари эътиборини ўзига тортиб келаётган жомеъ масжиди (Бибихоним), қатор мадрасалар эътиборга сазовордир. Музейдаги ушбу мўъжазгина кўргазмага қўйилган рангли суратлар ва ашёлар билан танишган томошабинда Амир Темур томонидан халқ фаровонлиги йўлида улкан ишлар қилинганлиги ва бу даврнинг ноёб санъат асарлари донғи дунё узра ёйилганлигига гувоҳ бўлади.

Кўргазма ниҳоясида Амир Темурни сўнгги манзилига кузатиш жараёни ифода этилган расм жой олган. Маълумки, 1941 йили Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги кўтаринки руҳда нишонланиши учун раҳбарият томонидан берилган йўлланма асосида темурийларнинг Гўри Амир мақбарасидаги Амир Темур, ўғиллари Мироншоҳ, Шоҳруҳ, набиралари Улуғбек ва Муҳаммад Султон қабрларини ўрганиш учун Қори Ниёзий бошчилигидаги давлат экспедицияси иш бошлаган. Кўргазмада ана шу илмий тадқиқотлар натижаси ўз аксини топган. Унда жасадларни кафанлашда ишлатилган қимматбаҳо зарҳал матоларнинг парчалари, турли фотосуратлар, рангли расмлар каби ашёлар орқали муҳим маълумотлар берилган.

Амир Темур ўз фаолияти давомида кўплаб қурилиш ишларини олиб борган. Ана шундай ишларидан бири ҳақида навбатдаги «Шоҳрухия — қалъа шаҳри» номли кўргазма ҳикоя қилади.

Кўргазма ЎзРФА ҳамда фан ва технологиялар маркази ўртасидаги давлат буюртмаси мақомига эга бўлган шартномага мувофиқ Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ҳақида қимматли маълумотлар берувчи Шоҳрухия археологик ёдгорлигида уч йил давомида ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида яратилган. Ёдгорлик Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги Султон Сегизбоев номли хўжалик ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида

**(Давоми 4-бетда).**

# ҲАМ ДАРОМАД ҲАМ САХОВАТ

**«Бинокор» кичик корхонасининг ишчи-хизматчилари Паркент туманида иш бошлаганига 10 йил бўлди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш учун қувурлар тортиш уларнинг асосий вазифаси.**

2004 йилда туман бўйича жами 6 километр узунликда газ тармоғи ётқизилган эди. Ўшанда 6 миллион сўмлик иш бажарилди, унинг 2 миллион сўми соф фойда бўлди. Ўтган йили эса Чанги қишлоғига 1,2 километр, Бодомтепа маҳалласига 4,2 километр, Бўстон қишлоғига 2 километр, Кумушкон қишлоғига 1 километр, Гулбоғ қўрғонига 900 метр узунликда газ қувурлари тортиб келинди. Бундан ташқари, Қуруқсой ҳамда Қўличи маҳаллалари ҳам газлаштирилди.

Бажарилган иш ҳажми 27 миллион сўмга яқинлашган бўлса, шундан 10 миллион сўми соф фойда ҳисобланади.

— Қурилиш ишларини амалга оширишда вилоят газ бошқармаси, туман газ тармоғи ҳамда туман ҳокимлиги билан ҳамкорлик қилаяпмиз, — деди корхона раҳбари Азим Солиҳов. — Бироқ биз қишлоқ ва маҳаллаларни, аҳоли ҳудудларини газлаштиришга қанчалик интилмайлик, бизга боғлиқ бўлмаган камчиликлар ишнинг орқага сурилишига сабаб бўлаётир. Юқори ташкилотлар қурилиш лойиҳаларини ўз вақтида молиялаштирмасликлари оқибатида кўплаб муаммолар келиб чиқмоқда.

Шунга қарамай ишчиларимиз 2006 йилни катта умидлар билан бошлашди. Ўтган уч ойда Бодомтепа маҳалласига 5,7 ҳамда Қўличи маҳалласига 700 метр қўшимча газ қувурлари ётқизилди. Йил охиригача эса қарийб 10 километр узунликдаги газ қувурларини тортиб келтириш режага киритилган.

Корхона жамоаси «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастурининг ижросига ҳисса қўшиш мақсадида тиббиёт муассасалари ҳамда боғчаларда газ қувурларини таъмирлаш, кам таъминланган оилалар хонадонларига газ тушириш ишларини бепул бажармоқда.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

# ЙИЛГА ТАТИГУЛИК КУН

**Наврўзнинг ўзга байрамлардан фарқ қиладиган ибратли жиҳатлари кўп. Аввало у — шарқона байрам. Шарқ мамлакатлари халқлари қатори ўртаосиёликлар ҳам бу байрамни ҳар йили интиқлик ва хаяжон билан кутадилар, шукроналик билан яйраб нишонлайдилар.**

Иккинчидан, «Ҳар тунинг қадр бўлубон ҳар кунинг бўлсин Наврўз» дейилиши бежиз эмас. Тантаналар, халқ сайиллари, фақат шу мавсумгагина хос маросиму тадбирлар, расм-русумлар камида бир ой давом этади. Асосан наврўзий таомлар тортиладиган дастурхонлар бир ойгача йиғилмайди, халқ ўйинларию куй-қўшиқлар тўхтамайди. Март ойининг ўрталарида бошланган Наврўз байрами тантаналари серқуёш юртимизнинг барча гўшаларида ҳануз навбатма-навбат давом этаётгани шу фикрнинг исботидир.



Хонобод — Зангиота туманидаги энг йирик, энг обод, айниқса, энг аҳил-иноқ маҳаллалардан бири. Шунга яраша баҳор, яшариш, янгиланиш байрами маросимлари бирор йил канда бўлмай, уюшқоқлик, шоду ҳуррамлик билан ўтади. Дастурхонлар асосан сумалагу турли кўкатлардан тайёрланганноз-неъматлар билан безалади. Катта қозонларда миллий таом — палов дамланади. Маҳалланинг табаррук ёшдаги нуроний отахону онахонлари давра тўрида иззатда, удли-шудли ёшлар эса хизматда бўлишади. Куйлар қўшиқларга, қўшиқлар рақсларга уланади. Даврадаги ўйин-кулгуларга куч бериб, жон киритувчи санъаткорлар ҳам шу қишлоқнинг ўзидан. Хонободда дурустгина шаклланган уч-тўртта бадиий ҳаваскорлик гуруҳи бор.





Бу йилги Наврўз тантаналарида маҳалла қўмитаси яна бир хайрли иш қилди. Маҳалланинг 80-90 ёшдан ошган нуроний отахонларига тўн кийдирилиб, иззат-ҳурмат кўрсатилди. Жумладан, Раҳим ота Усмонов — уруш ва меҳнат фахрийси. Қишлоқдаги ҳамма хонадонга меҳнати сингган. Тўқсонга яқинлашиб қолган Мансурхўжа ота Муҳиддинов — иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, қўша-қўша жанговар орденлар эгаси. Хонободнинг энг обрўли ўқитувчиси Ноил ота Абдуллин Наврўз арафасида 81 ёшини қаршиладилар. Аммо, ҳали анча тетиклар, маҳалла қўмитасининг энг фаол аъзоси сифатида ҳамон хизматдалар.

Таъкидлаш жоизки, Хонобод аҳлининг ҳар йили Наврўз байрами билан боғлиқ тантанали маросимларни тўкин-сочинлигу, шоду ҳуррамлик билан ўтказишларида савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳаларида фаолият юритаётган маҳаллий ишбилармону тадбиркорларнинг хомийлик ёрдамлари беқиёсдир. Шунингдек, қишлоқ маркази, маҳалла гузарлари йил сайин ободонлашиб, замонавий қиёфа касб этиб боришида ҳам уларнинг хизматлари катта.

Ҳар доимгидек, қишлоқ марказидаги шинам чойхона ҳовлиси саҳнида эрта тонгданоқ карнай-сурнай садолари билан бошланган Наврўз байрами шодиёналари кечгача давом этди. Қишлоқнинг каттаю кичик фуқаролари куй-қўшиқ тинглаб, рақсга тушиб, мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *байрам тантаналаридан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# УНИВЕРСИТЕТДА ДАВРА СУҲБАТИ

***Тошкент Давлат аграр университетида Бутунжаҳон саломатлик кунига бағишлаб талабалар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.***

Йиғилишда вилоят СПИД маркази, вилоят қон қуйиш станцияси ҳамда университет шифохонасининг малакали мутахассисларининг «Соғлиқни сақлаш барчамизнинг вазифамиз» мавзусидаги маърузалари тингланди. Унда ОИТС, гиёҳвандлик каби иллатларни келтириб чиқарадиган омиллар ҳақида фикр юритилди.

Талабалар ўзларини қизиқтирган барча саволларга тизим мутасаддиларидан мукаммал жавоб олдилар.

**Муслим ИБРАЕВ.**

# МАКТАБ УЧУН СПОРТ МАЖМУАСИ

**Ангрендаги 28-умумтаълим мактаби бир йил муқаддам хорижий сармояли «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ акциядорлик бирлашмаси ҳомийлигида корхонанинг қўшимча биносига кўчирилган эди.**

Бирлашма томонидан тўлиқ таъмирланган синф хоналари замонавий ўқув ускуналари ва компьютерлар билан жиҳозланди. Бинонинг ташқи қисмини замонавий кўринишда таъмирлашга шаҳардаги Янги Ангрен ИЭСи ҳисса қўшди.

Янги бинога кўчиб ўтганига бир йил тўлиши муносабати билан бирлашма мактабга телевизор ва ўқув қуроллари совға қилди.

— Мактабимиз учун шаҳар ҳокимлиги томонидан ажратилган қўшимча 2,5 гектар майдонда спорт мажмуаси қуриш режалаштирилган, — дейди мактаб директори Раъно Дейканова. — Бу ишларга бирлашма ҳисобидан 120 миллион сўм маблағ ажратилди. Мақсад — республикамиз мустақиллигининг 15 йиллигига мажмуани фойдаланишга топшириш. Шу кунларда унинг пойдеворини яратиш бошлаб юборилди.

Булардан ташқари, бирлашма ихтиёридаги мактабга яқин биноларнинг бирида ўқувчилар учун гимнастика машғулотлари ўтказишга мўлжалланган 2 та хона ҳам ажратди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

# УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

***Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг шу баҳор кунларидаги хушкайфият, кўтаринкилик қалбларда унаётган эзгулик чечакларига қиёс. Айниқса, ҳаётни ўз дунёси, беғубор қалби билан идрок этувчи болажонлар тасаввурида катталарнинг ҳар бир қадами фақат яхшилик келтиради.***

Ангрен шаҳридаги 73-махсус мактаб-интернатда қутлуғ Наврўз кунларида ўтказилган хайрли тадбир ана шундай яхшилик, эзгулик ҳаракатларидан бўлди. Мактаб ҳовлиси, атрофнинг ободлиги, ажойиб гуллар, ям-яшил дарахтлар, мевазор боғлар эрта баҳордан бошланган кўкламги юмушларнинг аҳиллик билан бажарилганлигидан дарак. Мана, 45 йилдирки, ушбу мактаб жамоаси келажак авлод камоли, саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқда. Хосиятли йил, Наврўзи олам муносабати билан ана шу фидойи инсонлар таклиф этилиб, уларга ҳурмат-эътибор кўрсатилди, эъзозланди. Интернатнинг биринчи директори Трофим Васильевич Пакнинг ўша узоқ йиллардаги хотиралари, мактабнинг илк қалдирғочлари — битирувчилари ҳақидаги қизиқарли суҳбатлари ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Муассасага узоқ вақт раҳбарлик қилган собиқ директор Раиса Григорьевна Кучина ҳам ўз хотиралари билан ўртоқлашар экан, мустақиллик йилларида яратилган шароитлар, имкониятлар ҳақида сўзлади. Айниқса, ушбу даргоҳда ўқиб, эндиликда ёш авлодга билим бераётган А. Кутлиева, Н. Феттаева, Д. Абдуллаева каби ўқитувчиларнинг хотиралари йиғилганларга жуда маъқул бўлди.

— Ҳозир мактабимизда 312 бола билим олмоқда, — дейди директор Дилбар Абдуллаева. — Шулардан 49 ўқувчи ногирон, шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳам бор. Уларга доимо хайрия ёрдами ажратилади.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## *Қарор ва ижро*

# ХОНАДОНЛАРГА ҚУТ-БАРАКА КИРМОҚДА

Мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори юртдошларимиз, хусусан, қишлоқ жойларда яшовчи кўпсонли аҳолида катта қизиқиш уйғотди. Қарор тармоқни изчил ривожлантириш босқичини бошлаб бериш билан бир қаторда чорва парвариши билан банд аҳоли қатламы манфаатларини ҳар томонлама муҳофазалаши муқаррар. Унинг ижроси юзасидан бошланган ишлар, хайрли тадбирлар тобора кенг қулоч ёймоқда.

Қарорда белгиланганидек, қишлоқ жойлардаги эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларга, энг аввало, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалари бўлган оилаларга хайрия тариқасида бир бош сигир берилмоқда. Бунга хайрия жамғармалари, қатор ҳомийлар, фермер ва тадбиркорлар баҳолиқудрат бош қўшмоқдалар.

**Акром Абдуазимов, фермер Тошкент тумани:**

— Туманимизда қатор мутасадди ташкилотлар ҳамда ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳамкорликда ҳудудимиздаги кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар аниқланиб, уларни бир бош қора мол билан таъминлаш режалари ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ, бундай хайрия ишлари авж олаётир. Биз ҳам бундан четда турмай, савобли ишга ҳисса қўшиш мақсадида қарамоғимиздаги қорамоллардан она-бола сигир ва иккита қўй ажратдик. Бу ишларда бошқа кўплаб тадбиркор ва фермерларимиз ҳам ташаббус кўрсатишмоқда.



**Феруза Низомова, Тошкент тумани, Чувалачи қишлоғида истиқомат қилувчи уй бекаси:**

— Очиғи, Юртбошимизнинг шу қарорларини эшитиб, бошим кўкка етди. Саховатпеша инсонлар ғамхўрлиги билан эндиликда мол-ҳолли бўлиб қолдик. Маҳалламиз фаоллари яқиндагина бизларни серфарзанд, боқувчисини йўқотган оила сифатида қайд этишган эди. Куни кеча бир бош соғин сигирни бузоғи билан келтириб, топширишди. Энди дастурхонимиздан сут-қаймоқ аримайдиган бўлди. Фарзандларимиз мактаб ва боғчаларига ҳар куни иссиққина сут ичиб кетишяпти. Бу эса саломатлик учун ҳам кони фойдадир. Ҳозир маҳалламиздаги биз қатори ўнлаб оилалар рўзғорига ҳам барака кириб қолди. Бу ишларга бош қўшаётган саховатпешаларга мингдан минг раҳмат.Мурувватли, марҳаматли инсонлар бор бўлишсин.

**Йўлдош Эралиев, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Оҳангарон туман бўлими раиси:**

— Айни кунларда имкони бор, моддий таъминоти яхши бўлган инсонлар хайрия ишларига бажонидил улуш қўшмоқдалар. Айниқса, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилаларни мол-ҳол билан таъминлашга қаратилган амалий режаларимизни кўплаб саховатли инсонлар қўллаб-қувватламоқдалар. Шу кунгача туманимиздаги 50 дан ортиқ шундай оилаларга бир бошдан сигир туҳфа этилди. Мақсад барча хонадонларга фаровонлик, тўкин-сочинлик, қут-барака улашишдир.

**Мўмин ИБОДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТДА:*** *Феруза Низомова.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

### ● ШАНБА

● Россия космик станцияси япониялик тадбиркор Дайсукэ Эномото билан шартнома имзолади. Эндиликда Эномото 2006 йилнинг куз фаслида МКС экипажи аъзолари билан орбитага чиқиш имконига эга бўлади. Шуни таъкидлаш кераккки, яқин кунларда Россия космик станцияси вакиллари фазогир саёҳатчи бўлишга талабгор бўлган яна бир америкалик билан шартнома тузиш ниятида.

● Халқаро кулгу куни муносабати билан Москва ғарбида жойлашган кўчалардан бирида шарқ халқларининг эртак ва латифалари қаҳрамони Хўжа Насриддиннинг ҳайкали ўрнатилди.

### ● ЯКШАНБА

● Самара вилояти ҳудудидаги темир йўллардан бирида нефть маҳсулотлари ортилган юк поезди автобус билан тўқнашиб кетиши оқибатида автобус ҳайдовчиси ҳалок бўлган.

### ● ДУШАНБА

● АҚШнинг Делавар штати «Довер» авиабазаси яқинида G-5 Galaxy ҳарбий самолёти учиш пайтида ерга қулаган. Самолёт бортидаги 17 нафар кишининг тақдири ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

### ● СЕШАНБА

● Бутунжаҳон банки раҳбари Пол Вулфовиц Боғдодда банк ваколатхонасини очишга қарор қилишганини маълум қилди. Эслатиб ўтамиз, банкнинг Ироқдаги ваколатхонаси 2003 йил 19 августда Боғдодда юз берган портлашлардан сўнг ёпиб қўйилганди.

### ● ЧОРШАНБА

● Ижевск-Москва йўналиши бўйича қатновчи Як-40 самолёти ғилдираклари йиғилмай қолганлиги боис 1 соату 45 дақиқа давомида аэропорт устида учиб юришига тўғри келди.

### ● ПАЙШАНБА

● Ироқ жангарилари томонидан бундан уч ой муқаддам гаровга олинган америкалик журналист Жилл Кэролл озод этилди. 28 ёшли журналистнинг қандай сабабларга кўра озодликка чиқарилгани номаълум.

### ● ЖУМА

● Истамбулнинг тарихий ҳудудларидан бирида портлаш содир бўлди. Бекат яқинидаги ахлат қутисига жойлаштирилган портловчи мосламанинг ишга тушиши натижасида етти нафар киши жиддий жароҳатланган. Ҳуқуқни сақлаш идоралари вакилларининг таъкидлашларича, бу курд айирмачилари томонидан амалга оширилган бўлиши мумкин.

# «КВАРК ПЛЮС» ОДИМЛАРИ

**Бу хусусий кичик корхона Бекобод туманидаги барқарор ва жадал ривожланаётган тадбиркорлик тузилмалари қаторида бормоқда. У ўз фаолиятини бошлагандан бери ўтган уч йил ичида ишлаб чиқариш ҳажмини саккиз баравардан зиёд оширишга эришди. Чунончи, 2003 йилда 3 миллион 397 минг сўмлик турли буюмлар тайёрланган бўлса, ўтган йили деярли 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 2 миллион сўмликка яқин фойда кўрилди. Шу даврда ишчи ўринлари 65 фоиз ортди.**

Ҳар йили ўн нафарга яқин ўқувчи бўш вақтини шу ерда ўтказиб, касб ўрганади. Кичик корхона туманда ўтказилган «Ташаббус-2006» кўрик-танловида тадбиркорлик йўналиши бўйича ғолиб деб топилди ва қимматбаҳо мукофот билан тақдирланди.

«Кварк-плюс» корхонасида ишлаб чиқарилаётган логотиплар, яъни ҳар хил ёзувлар, эмблемалар, наклейкалар, белгилар, тамғалар, рамзлар, ўқув қуроллари ва бошқа шу каби буюмлар турли корхона ва ташкилотлар, идора офислари, маданият, маориф ва тиббиёт муассасалари ва бошқа жойларда фойдаланилади. Бундай буюмларни ишлаб чиқариш ва буюртмачига етказиб бериш қатори уларга уч йил муддатга кафолат ҳам берилади.

— 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан, — дейди кичик корхона раҳбари Абдужамил Восидов. — биз Тошкентдаги 23-меҳрибонлик уйига баҳоли қудрат ёрдам бераяпмиз. Бундан ташқари, туманимизда уюштирилаётган меҳр-мурувват тадбирларидан ҳам четда қолмаяпмиз. Мактабларга ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ўқув анжомларини озмикўпми бепул етказиб бермоқдамиз.

**Собир МАҲМУДОВ.**

# ГАЗДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Шаҳар ва туманларимизда ёнғинлар, уларда инсонлар ҳалок бўлишининг олдини олиш ҳамиша муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда аҳолини огоҳликка даъват этувчи телекўрсатувлар уюштирилмоқда, радиосуҳбатлар ташкил этилмоқда. Кинотеатрларда шу мавзудаги қисқаметражли фильмлар намойиш қилинаётир. Корхона ва уй-жойлар бошқармалари, мактаб ва ўқув юртларида учрашувлар ўтказилмоқда. Газлаштириш корхоналари билан ҳамкорликда плакатлар ва эслатмалар ишлаб чиқилиб, тарқатилмоқда.

Афсуски, доимий огоҳлантиришларга, тинимсиз тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, ёнғинлар содир бўлиб, катта моддий ва маънавий зарар етказаётир. Шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида вилоятимизда 361 та ёнғин содир бўлди. Уларнинг асосий қисми уй-жойларда юз берди, тўққиз нафар киши ҳалок бўлиб, 25 киши турли даражада тан жароҳатлари олди.

Фақатгина оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик оқибатида 47 та ёнғин содир бўлди. Бу фожиалар одамларнинг лоқайдлиги, бепарволиги, яшаш тарзининг оддий таомилларига амал қилмасликлари туфайли юз бермоқда.



Охирги текширишларда баъзи одамлар уйларига рухсатсиз, ўзбошимчалик билан газ улаб олганликлари, 270 та уйда газ ускуналарини улаш учун резина шлангдан фойдаланилгани, кўп қаватли уйлардаги 6 та хонадонда газ плиталари ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчирилгани, 4 та хонадонда газ чиқиш ҳоллари аниқланди ва газ асбоб-ускуналаридан фойдаланиш тақиқланиб, газ ўчириб қўйилди, ҳужжатлар чора кўриш учун газлаштириш корхоналарига топширилди.

Газ ва газ асбоб-ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиш, юртимиз ва халқимиз бойлигини, инсон ҳаётини ёнғиндан асраш ҳаммамизнинг ишимиздир. Бунинг учун хавфсизлик қоидаларига амал қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз пайтида кўриш, давлат ёнғин назорати вакиллари томонидан текшириш мобайнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш лозим.

Ўт балосидан жабр чекмаслик учун ҳамиша хушёр бўлайлик, хавфсизлик қонун-қоидаларига амал қилайлик!

**Барно СОДИҚОВА, вилоят ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг нозири.**

